

## МАҲМУДХЎЖА БЕҲБУДИЙНИНГ СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН ҲАРАКАТЛАРИ ТАРИХИДАН

*A.Э.Курахмедов*

*СамДЧТИ доценти*

Улуғ маърифатпарвар Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг номи айникса мустакиллик йилларида кейин баралла янграй бошлади. Собиқ совет даврида у ҳақида турлича фикрлар билдирилди. Бирор уни «...Туркистон деган ўлканинг бошлиғи эди», (Вадуд Маҳмуд.) «Махмудхўжа Беҳбудий», «Меҳнаткашлар товуши», 1920 йил 8 июл») деб гурурланган бўлса, бошкаси «Беҳбудий буржуазия вакили эди» (М.Ваҳобов «Ўзбек социалистик миллати, Тошкент 1971 йил»), дея уни бутун ҳалқнинг душманига чиқарганди. Бундай қарама-қарши фикрларни кўплаб келтириш мумкин.

Аслида-чи? Беҳбудий дунёни бир бутун тушунган қалби дарё инсон, энг аввало эса у худонинг барчамиз қатори бир бандаси эди. Динига событ бир мутфий, «ўзининг Туркистон боласи эканини тушунган бир йигит эди». У модиончиларга ўхшаб худони инкор қилас, бидъатчиларга ўхшаб «ер бир ҳўқизнинг шохида, ҳўқиз эса балиқнинг устида» деган сохта гапларга ҳам ишонмас, у тараққиётни инкор этмас эди. «Илми замоний исломиятта заар қилмок, нари турсин, фойда этар», «Ёшларға мурожаат», «Ойина» журнали 1914 йил 21-сон), деб дунёвий илмлардан воз кечмас, бильакс уларни мактабларга тадбиқ этиш учун саъй-ҳаракат қилас, Бунинг учун эса бир неча китоб- дарсликлар ёзиб нашр этди. Янгича жадид мактаби очиб, унга ҳовлисидан жой ажратди, уни китоб ва маблағ билан таъминлади.

Беҳбудий ёш авлодга биз тарихимизда эндиғина янгича ўқимасдан, аждодларимиз биз ўқимоқчи бўлган китобларнинг неча-нечасини ёзиб кетишган, биз улар каби барча фанларни ўқишимиз керак, деган маънода қатор мисоллар келтиради:

«Туркистон» уламоларини ҳаммасини аҳволи ва таснифотини ёзмоқ лозим бўлса, ушбу китобимиздан ҳам каттароқ китоб тайёрламоқ керак

бўлади. Шайхул раъис Ибн Сино Абу Али луғат, мантиқ, жўғрофия, мусика, ахлоқ, кимё, табиат, мувофик ал-табнат, ҳикмат, тиб, нужум, илми табобат... юздан зиёда китоб тасниф қилгандурки, мусулмон уламоларини аввалидур. Аксар китоби Оврупо тилларига таржима бўлган ва фарангийлар «Овиссен» атайдурлар. Вафоти 428 санағадур. Абу Наср Форобий замонидаги барча тилларни билар эканки, «қонун» деган асбобни ижод қилиб экан. Барча тасниф қилган китоби етмиш кадар ва илми тавҳид, фикх, мусиқий, риёзий, ҳайат, ҳикмат илмлариға таснифоти бор («Мунтаҳаби жуғрофияи умумий» китоби-Туркистон донишмандлари бўлими, 9.10 бетлар.) Нега бугун биз Амир Темур, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Бобур каби машҳур саркарда давлат арбоблари ва уламоларимизни бот- бот тилга оляпмиз? Бу асосан ўзликни таниш, миллатни тараққий қилдириш, бунинг учун эса энг атоқли боболарни ўрнак қилиб кўрсатиш эмасми? Худди шу ташвишии Маҳмудхўжа Беҳбудий асримиз бошида, ҳали мустамлака зулми остида эзилиб ётганимизда амалга ошира бошлаганди.

Бундай тарбия усули натижасини хатто 1906 йили рус тилида чиққан «Самарканд» газетаси ҳам эски мактабларда ўргатиладиган 3-4 йиллик сабокни, Беҳбудий мактабининг болалари бир йилдаёк ўзлаштириб олдилар, деб ёзганди («Самарканд» газетаси 1906 йил, 20 май).

Беҳбудий соғлом авлод деганда жуда кенг тушунчага эга эди, яъни унинг орзуидаги авлод диний, илмий жиҳатдагина эмас, балки жисман соғломликни назарда тутади. Дейлик, «Эҳтиёжи миллат» мақоласида шундай жумлаларни ўкишимиз мумкин:

«Бошка миллатларга каралса, кўрилурки мунтазам мактаблари бор ва ул мактабда диний илм устинда дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур, чунки дунёга турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур» («Самарканд» газетаси, 1913 йил, 3-сон).

Бу кўчирма юқоридаги фикримизни яна бир бор тасдиқлаб, Беҳбудий илм-фанни қувватлаганини кўрсатиб турибди. Шундан сўнг у қатъий хulosса

чиқаради. «Замона илми ва фанидан бебахра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур» (Уша манба).

Бундай илм фанларни эгаллаш учун авлод жисман ҳам бавувват ва чаққон бўлиши лозимдур. Беҳбудий замонасидағи ёшларнинг жисмоний баркамол бўлишларига тўсқинлик қилувчи барча иллатлар билан кескин курашади. Ўзи муҳаррирлик қилиб нашр этган «Самарканд» орасига газетасининг бир неча сонларида кўкнорихўрлар ва Россиядан келтирилиб, мусулмонлар орасига тарқатилаётган пиво дўконларини ва пивохўрларни танқид қилиб чиқди. Махмудхўжа Беҳбудий нос, тамакининг зарари ҳакида ҳам жуда кўп тўхталган. Унинг ёзган мақолаларини бошқа нашрлар ҳам кўчириб босишган. Беҳбудий ўзи муҳаррирлик ва ноширлик қилган «Ойина» журналининг биринчи сонида «Тутун ёинки Тамоку» сарлавҳали мақола ёzádi. Бу мақоланинг акс-садоси эса бир неча сонларга давом этди. «Тутун, тамоки надур? Тамоку Америкадан келтирилган табақкум исмлик гиёҳни барг япроқларига берилган исмдур. Табак калимаси Америкадаги жазиралардан келгандур. Руслар табак, турклар тутун, араблар духон дерлар». Шул тарика Христафор Колумбнинг Америкага бориб колгани, у ерда яшагани ва тамакини маҳаллий ҳалқда кўриб, «...Колумб асҳобалари ҳам анча одат этадур. Ва ул кунги бизни нос- папирус-чилим ила чекадурғон тамокумиз эди. Аҳли таърих уламосининг таҳқигига қарағанда бизни эски дунёда тамоку гиёхи йўқ эди. Колумблар бу гиёҳ тухумидан келтуриб Испанияга экдилар. 1517 санаси оврупоға тамоку исмлик бу заҳар мунтасир бўлди».

Шундан сўнггина ўзимизга кириб келади, дейди Беҳбудий ва унинг 9 зарарини санайди:

1. Диёrimiz аҳолисининг ҳар навъи касалға мубтало этиб, яна этилмокдадур.
2. Барча табиб ва кимёгарлар тамоку ичакда заҳар сўйи борлиғига мутафик (мувоғиқ)дурлар.

- 3.Хар суратда истеъмол этса тамоку зарари етар.
4. Фани кимё тамокуда бир модда сами (захар-муал). «ўлдирувчи! Нашр этиб никутин атагандур.
5. Тажриба ила событдурки никутин бир қатраси бир итни ҳалок этар.
6. Тамокунинг тутуни одамға бошқа тутунлардан зиёда, зарар этар.
7. Бир ёмон одам тамокудаги заҳардан бир кишига бериб ўлдирадур.
8. Бошқа бир одам тамокудаги никутиндан қасдан очиб ўзини ўлдирап.
9. Уч нафар кулл (ҳамма) бачалар бошини тамоку суйи ила ювганда бечора болаларни учи-да 24 соатда охиратға сафар этибдур» («Ойина» журнали 1914 й., 1-сон).

Бу фактларни изоҳлашга ҳожат бўлмаса керак, деб ўйлаймиз. Ва ниҳоят барча ота-боболаримиз қатори ёш йигитчаларнинг жинсий тарбияси учун ҳам қайғурган. «Ойина» журналининг 1915 йил 53-сонидаги мақолаларидан бирида ёш йигитчаларни турли хил ёмон одатлардан қайтарган, унинг оқибатларини табиблар каби ўқувчиларни хабардор қилган. Кўриниб турибдики, Махмудхўжа Беҳбудий барчани келажак авлодни ҳар тарафлама соғлом ўстиришга чорлайди. Мухтарам Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек соғлом авлодни тарбия этишимиз учун эса аждодларимиз ўгитларини ёдимииздан чиқармаслигимиз ва миллий қадриятларимизни келажак авлодлар онгига сингдириш билан боболаримиз руҳининг шод бўлишига ҳамда мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қиласди.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. М.Ваҳобов. Ўзбек социалистик миллати, Тошкент 1971 йил
2. «Ойина» журнали 1914 й., 1-сон
3. «Самарканд» газетаси, 1913 йил, 3-сон
4. «Самарканд» газетаси 1906 йил, 20 май
5. («Мунтаҳаби жуғрофияи умумий» китоби-Туркистон донишманлари бўлими, 9.10 бетлар.)